

Намозда сафга сиғмай охирги сафда бир ўзи туриш

09:00 / 13.07.2018 6301

Савол:

Ассалому алайкум! Кеча хуфтон намозига масжидга кирдим. Намоз бошланиб бўлган эди. Жамоатнинг сўнгги сафига сиғишим учун жой йўқ эди, яъни саф тўлиб бўлган эди. Шунда ман бир ўзим охирги қаторнинг ўртасига бир ўзим туриб, имомга иқтидо қилиб ўқидим. Намоз тугагунча бошқа ҳеч ким қўшилмади. Шундай пайт олдида турган намозхоннинг елкасига қўл қўйиб огоҳлантириб қўйилади ва ўша намозхон битта орқа сафга, ёлғиз намозхоннинг ёнига қўшилади деб эшитгандим. Ўзимизнинг маҳалладаги масжид бўлгани ва у ердаги намозхонларни таниганим учун қулимни елкасига қўймадим. Сабаби улар бу нарсани билмасликлари аниқ. Мободо шундай қилсам, улар чунмай ҳаёлларини бузмай дедим. Энди шу ёлғиз сўнгги сафда бир ўзим ўқиганимни ҳукми қанақа бўлади? Бошқатдан ўқимайманми? Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Қайтадан ўқимайсиз, ёлғиз туриш макруҳ. Масжид имоми доимий тарзда шу каби масалаларни айтиб туриши керак. Валлоҳу аълам!